

G.BARBADENSE L. ТУРИГА МАНСУБ
Ғ3 ОИЛА ПОПУЛЯЦИЯЛАРИДА АЙРИМ ХЎЖАЛИК
БЕЛГИЛАРИНИ КОРРЕЛЯТИВ БОҒЛИҚЛИГИ

Н.А.НАРИМАНОВ,

Б.К.МАДАРТОВ,

Ф.Р.АБДИЕВ

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар унверситети Тошкент филиали*

Маълумки, дурагайлаш асосида олинган ўсимликларининг хўжалик белгилари орасидаги корреляцион боғлиқликларни ўрганиш дурагайлашда иштирок этадиган намуналарнинг генотиби, уларнинг хўжалик белгиларига эътибор бериб танлаш имкониятини яратади. Шунинг учун, ғўза селекциясида белгиларнинг ўзаро узвий боғлиқлик даражасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ғўзанинг қимматли хўжалик белгилари орасидаги боғлиқликни ўрганиш борасида кўплаб маҳаллий ва чет эл олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган [3; 5; 6].

S.C. Harland [4] ғўзанинг морфобиологик ва хўжалик белгилари ўртасида корреляция боғлиқлиги ўрганилган. Гултожбарглар ранги билан тола узунлиги ва чиқими ўртасида коррелятив алоқа борлигини аниқлади. Унинг далиллари бўйича гултожи барглар рангининг омиллари тола узунлигининг ортиши билан ва зичлигининг камайиши билан боғлиқ. Ғўза ўсимлигида морфобиологик белгилари билан энг муҳим қимматли хўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни ўрганиш селекция учун муҳим аҳамиятга эга ҳамда бу алоқалардан селекцияда янги зот ва навларни чиқаришда фойдаланиш имконини беради. Янги дунё ғўзаларида паст тола индекси яланғоч уруғлилик билан боғлиқлигини ҳамда панжасимон кесик баргли ўсимликларнинг тола индекси панжасимон бўлинма (оддий) баргли ўсимликларникига нисбатан паст бўлганлигини қайд этади.

G.hirsutum L. турига мансуб экологик узоқ шакллари ўзаро чатиштириш асосида олинган дурагайларда эртапишарлик билан хўжалик белгилари орасидаги корреляциясини ўрганиб, ота-она шакллари ва F_2 ўсимликларда бир хил, ўрта ва кучли ижобий узвий боғлиқлик аниқлаган [1].

Х.Ю. Тўйчиев [2] ғўзанинг ўрта толали навларида қимматли хўжалик белгиларининг генетик боғланишини ўрганган. Тола сифати ва миқдорий белгилар орасида кучли салбий генетик боғланиш қайд этилган ва бу маълумотлар юқори тола чиқими ва узунлигига эга бўлган ғўза навларини яратишдаги қийинчиликларни бартараф қилиш мумкинлигини кўрсатган. Маҳсулдорлик кўсак йириклиги билан, 1000 дона чигит вазни, толанинг чиқими, тола узунлиги билан ижобий равишда боғланиш мавжудлигини, тола зичлиги ва индекси боғланиши сезиларли даражада эканлиги кузатилган.

Тадқиқотларимизда F_3 оила популяцияларида биринчи ҳосил шохи билан тола чиқими ўртасида кучли ижобий корреляция (мос равишда $r=0,76$), биринчи ҳосил шохи билан 1000 дона уруғ вазни ўртасида ўртача ижобий корреляция ($r=0,65$) мавжудлиги қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал

F_3 оила популяцияларини айрим хўжалик белгиларининг коррелятив боғлиқлиги

	Биринчи ҳосил шохи	Тола узунлиги	Битта кўсакдаги пахта вазни	Тола чиқими	1000 дона уруғ вазни
Биринчи ҳосил шохи		0,1939	0,1686	0,7629*	0,657*
Тола узунлиги			0,7691*	0,024	0,4314
Битта кўсакдаги пахта вазни				-0,2014	0,3692

Тола чиқими					0,4976
1000 дона уруғ вазни					

Изоҳ: Ишончли фарқ $P \leq 0,05^*$, $P \leq 0,01^{**}$ and $P \leq 0,001^{***}$

Биринчи ҳосил шохи билан тола узунлиги, битта кўсакдаги вазни ўртасида кучсиз ижобий корреляция (мос равишда $r=0,16$; $r=0,19$) аниқланди. Тола узунлиги билан битта кўсакдаги пахта вазни ўртасида кучли ижобий корреляция (мос равишда $r=0,76$) қайд этилган бўлса, тола узунлиги билан 1000 дона уруғ вазни ўртасида ўртача ижобий коррелятив (мос равишда $r=0,43$) кузатилди. F_3 оила популяциялариларда битта кўсакдаги пахта вазни билан 1000 дона уруғ вазни ўртасида ўртача ижобий корреляция ($r=0,36$) ва тола чиқими билан 1000 дона уруғ вазни ўртасида ўртача ижобий корреляция ($r=0,49$) ($r=-0,15$) қайд этилди

F_3 оила популяцияларини айрим хўжалик белгиларидан, яъни биринчи ҳосил шохи белгиси битта кўсакдаги пахта вазни ва 1000 дона уруғ вазни ўртасида ўртача ижобий корреляция (мос равишда $r=0,46$ ва $r=0,54$), биринчи ҳосил шохи билан тола чиқими ўртасида кучсиз салбий корреляция ($r=-0,15$) ва биринчи ҳосил шохи билан тола узунлиги ўртасида деярли коррелятив ($r=0,02$) боғлиқлик қайд этилмади. Тола узунлиги белгиси битта кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими ва 1000 дона уруғ вазни билан ўртасида кучсиз ижобий корреляция (мос равишда $r=0,12$; $r=0,18$ ва $r=0,25$) кузатилди.

Шундай қилиб, ушбу ўрганилган айрим қимматли хўжалик белгилар орасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлил қилинганда, F_3 оила популяцияларида тола узунлиги билан битта кўсакдаги пахта вазни, биринчи ҳосил шохи билан тола чиқими белгилари ўртасида ишончли ижобий корреляция кузатилди, тола чиқими билан битта кўсакдаги пахта вазни ўртасида эса корреляция статистик ишончли бўлмади ҳамда айрим ҳолатларда ўрганилган йирик кўсакли дурагай ўсимликлар орасидан ўзида бир қанча белгиларни мужассам этган рекомбинантларни ажратиб олиш эҳтимоли юқори эканлигини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каххаров И.Т. Корреляция скороспелости с хозяйственно ценными признаками у внутривидовых географически отдаленных гибридов F₂ хлопчатника *G.hirsutum* L.// Эволюционные и селекционные аспекты скороспелости и адаптивности хлопчатника и других сельскохозяйственных культур: Мат. межд. науч. конф.- Ташкент. 2005. - С. 109-110.
2. Туйчиев Х.Ю. Айрим ғўза ва нав тизмаларининг популяциялари ичидаги биотипларнинг морфобиологик ва хўжалик белгиларининг мувозанатлиги. Б.ф.д.... дисс. автореф. Ташкент. 2010. - С. 16-18.
3. Султонов С. Ғўза гулларининг калта ва узун оналик тумшукчали шаклларида белгиларнинг ўзаро фенотипик корреляцияли боғланишини ўрганиш.// Пахтачилик ва дончилик журнали.- Тошкент. 1997.- №4.- Б. 15-18.
4. Harland S.C. The genetics of cotton // Jonathan cape-London. 1939. - P. 32-35.
5. Norton E.R., Clark L.J., Husman S.H. Evaluation of a Twin-Line Cotton Production System in Graham County.// Arizona Cotton Report.- The University of Arizona, College of Agriculture and Life Sciences. 2002. - P. 204-208.
6. Silvertooth J.C., Galadima A. Evaluation Irrigation Termination Effect on Fiber Micronaire and Yield of Upland Cotton.// Arizona Cotton Report.- The University of Arizona, College of Agriculture and Life Sciences. 2006. - P. 49-60.